



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ-  
ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ  
ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ**

**“ЎЗПАХТАСАНОАТЭКСПОРТ” ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ**

**РЕАЛ СЕКТОРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА  
ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

*Республика илмий-амалий конференцияси*

**ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ВА ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ**

*2017 йил 7 апрель*

**ТОШКЕНТ – 2017**

**“Реал секторда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда инновацион технологиялар”:** Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар ва маърузалар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2017. – 688 бет.

**“Реал секторда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда инновацион технологиялар”** мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-Демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия Қўмитаси ҳамда “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Ушбу илмий-амалий анжуманнинг илмий мақолалари ва тезислари тўплами ҳозирги кунда республикада иқтисодиётнинг реал сектор тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш асосида рақобатдош миллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бағишланган мукамал тўпламни ўзида мужассамлаштиради. Тўпламга киритилган илмий мақола ва тезисларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда инновацион технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ўрин олган.

**Масъул муҳаррир:** иқтисод фанлари номзоди, доц. М. Пўлатов  
иқтисод фанлари номзоди, доц. И. Хотамов

**Таҳрир хайъати:**

и.ф.д., проф. Н.Г. Каримов,  
и.ф.д., проф. Г.Н. Ахунова,  
и.ф.н., проф. М.С. Касимова,  
и.ф.н., доц. М.Т. Асқарова,  
и.ф.н., доц. М.Ю. Исаков,  
и.ф.н., доц. А.А. Исломов,  
и.ф.н., доц. Р. Хакимов

**Такризчилар:**

и.ф.д., проф. Н.М. Махмудов  
и.ф.д., проф. Б.Т. Салимов

*Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар*

Хотамов И.	Миллий товарлар рақобатбардошлигини таъминлашда брендинг сиёсатидан самарали фойдаланиш	401
Исаков М.Ю.	Саноат тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш истиқболлари	404
Ходжаева М. Х	Совершенствование правовых основ аудиторской деятельности в республике Узбекистан	408
Мардонова А.Т.	Мамлакатимизда банк тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг ижобий самаралари	410
Ҳамидов О. Ҳ.	Мамлакатимизда экологик туризмни бошқариш самарадорлигини ошириш	412
Мардиев Н. Акбаралиев И	Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари	415
Исматов Р.О. Боймирзаев Д. Н.	Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш	416
Назаров Н. Н. Балтабаев М. Т.	Корхонада технологик модернизация жараёнларини самарали жорий этиш	419
Джўраева Г. Ш.	Ўзбекистонда саноат тармоқларида ишчи-ходимлар салоҳиятидан фойдаланиш хусусиятлари	420
Юлдашев Ф.Т.	Интеграционные направления повышения эффективности производства предприятий	422
Казаков О.С. Мадияров Ф.	Тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш масалалари	425
Яхъяева И.К. Самадов Ф.	Ўзбекистонда енгил саноат корхоналарини модернизациялаш асосида рақобатбардошликни ошириш масалалари	426
Галимова Ф.Р. Бахриддинов Э.М.	Применение системного подхода в развитии плодовоовощеводства	428
Казаков О.С. Убайдуллаев Л.	Саноат корхоналарининг фаолиятида маҳаллийлаштириш ва маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш масалалари	430
Ахмедов Т.Х.	Значение потребительского труда в процессе создания бренда органической агропродукции	431
Казаков О.С.	Хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари	435
Карабаева Г. Ш.	Реал сектор корхоналарини ривожланишида бизнес режанинг ўрни	436
Ибрагимов И. У. Шаназарова Г.Б.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкилий-иқтисодий механизми ва уни такомиллаштириш масалалари	438
Абсалямов Ф.	Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари	440
Мустафоқулов О. А	Факторы и оценки инвестиционной привлекательности региона	442
Сотволдиев А.А.	Ҳудудларнинг инвестицион имкониятларини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашни такомиллаштириш муаммолари	443
Тошалиева С. Т.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий масалалари	445
Тошалиева С.Т.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарини ҳудудий ривожлантириш масалалари	446
Рахмонова Д.Қ.	Концепции развития туристкой инфраструктуры Республики Узбекистан на основе изучения историко-культурного потенциала	447

экотуризмни ривожлантиришни самарали бошқариш қуйидаги ўзаро боғлиқ учта асосий компонентни ўз ичига олади:

- 1) экотуризм масканининг асосий хусусиятлари ва хоссалари;
- 2) қўйилган мақсадларга мувофиқ келадиган тегишли ресурслар мавжудлиги ва бошқарув механизмлари;
- 3) қўйилган мақсадга эришишни баҳолаш даражаси ва натижалари.

Мазкур йўналишлар биргаликда экотуризм фаолиятининг барча томонларини яхшилаш, персонални қўллаб-қувватлаш имконини беради. Улар бошқариш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, унда ўтмиш тўғрисидаги ахборотлар истикболда бошқаришни яхшилашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш орқали, жаҳон экотуризм бозорида мамлакатнинг ягона экотуристик макони ва экотуристик бозорини шакллантириш, экологик хавфсизликни халқаро стандартлар асосида таъминлаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, экологик тоза хизмат кўрсатиш соҳалари ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экологик туризмни маҳаллий, минтақавий, миллий иқтисодий тизимларга интеграциялаш асосида мамлакат иқтисодиёти самарадорлигига қўшадиган ҳиссасини оширишга эришилади.

*Н.Мардиев, Акбаралиев И., ТошДАУ*

### **Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш истикболлари**

Маълумки, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан унинг бошқарув тизимини самарадорлигига боғлиқдир. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришдан мақсад бутун ишлаб чиқариш тизимини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техник, интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини оширишдан иборатдир.

Иқтисодиётни тузулмавий ислоҳ этиш ва модернизациялаш туфайли нафақат экспорт ҳажмини юқори суръатларда барқарор ўсишига, балки унинг таркибини сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилмоқда:

2015 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторининг улуши 82,9% бўлиб, улгуржи ва чакана савдо, ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса қарийиб 100%и нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилмоқда;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 1,5%ни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори билан тасдиқланган Хусусийлаштириш дастурининг амалга оширилиши натижасида ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 56,7 фоиздан ошди. Яъни 2000 йилга нисбатан унинг улуши 1,8 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва улар фаолиятига бошқарувнинг инновацион технологияларини жорий этиш қуйидаги омиллар ҳисобига муҳим зарурият

ҳисобланади:

1. Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиш хусусиятларига эга эканлиги инновацион технологияларни

жорий этишда йирик корхоналарга нисбатан юқори таваккалчиликнинг пастлиги жиҳатидан яхши самара беради;

2. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига инновацион технологияларни жорий этилиши уларни юқори трансакцион ҳаражатларини

камайтириб, рентабеллик кўрсаткичларини оширади;

3. Кичик бизнес субъектларининг янгиликларни тезкорлик билан ўзлаштира олиш салоҳияти уларга инновацияларни тижоратлаштиришдан юқори даромад олиш имкониятини беради;

4. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига бошқарувнинг инновацион технологияларини жорий этилиши улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш, товар ва хизматлар номенклатурасини ошириш, янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истикболли бозорларини ўзлаштириш ҳисобига уларнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширади.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг инновация характери, нафақат, ишлаб чиқариш омиллари, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига ёки маҳсулотни ташкиллаштиришга нисбатан, балки ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётганларни жой-жойига қўйишга нисбатан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолда тадбиркорлик ғояси қуйидаги фаолиятларга асосланган бўлиши мумкин:

- малакаси етарли бўлмаган ходимларни чиқариб юбориш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнида барча иштирокчиларни бутунлай ёки қисман алмаштириш;
- жамоада ишлаётганларнинг "ишга мойиллик кайфиятини" ташкил қилиш;
- ҳар бир ходим ўз иш вақтидан унумли фойдаланиши учун чора-тадбирлар қабул қилиш.

Инновацион ғояларнинг аниқ манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- истеъмолчиларни, яъни уларнинг талабларини ўрганиш;
- олимлар, агар улар товар маҳсулотлари, хизматларнинг оригинал ёки такомиллаштирилган вариантларини яратишга олиб келиши мумкин бўлган материаллар, товар хусусиятларини ихтиро қилиш билан шуғулланадиган бўлса;

- рақобатчилар, баъзи ҳолларда уларнинг истеъмолчилар талабини қондиришга қаратилган фаолияти тадбиркорни ўзининг инновация режасини шакллантиришига туртиши мумкин;

- савдо агентлари, дилерлар ва бошқа воситачилар;

- инновацион фаолиятнинг аниқ элементлари бўйича тадбиркорнинг маслаҳатчилари;
- корхонанинг бевосита ходимлари.

Ҳозирги иқтисодий шароитларда ҳаттоки, мувафиқиятларга эришаётган кичик тадбиркорлик тузилмалари доим ҳам янги инновацияларни қўлламасдан ҳамда йирик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмасдан янги маҳсулот ёки технологияларни ишлаб чиқишга қодир бўлмайди. Сўнгги йилларда республикада инновацион фирмалар пайдо бўлмоқдаки, уларнинг бошланғич капитали ақлий ресурслардир. Ушбу консалтинг инновацион фирмалар катта имкониятларга эга. Бундай фирмаларнинг асосий маҳсулоти - турли хилдаги маърузалар шаклини олган ғоялардир. Бу ерда жаҳон тараққиёти йўналишлари бўйича прогнозлар ишлаб чиқилади, иқтисодиётни таркибан қайта қуришнинг янги вариантлари таклиф этилади, турли лойиҳаларни баҳолаш ва техник - иқтисодий асослаш ишлари олиб борилади.

*и.ф.н. доц., Р.О.Исмаилов Нам МПИ,  
ўқитувчи, Д. Н.Боймирзаев НДУ*

### **Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш**

Иқтисодиётда юқори технологияларга асосланган янги корхоналарни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник, технологик янгилашда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида давлатни илмий-техника сиёсатининг моҳияти республика ички талабини тез қондирадиган, жаҳон бозорида рақобатлаша